

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАКУЛОВ ДИНИСЛАМ ЕРМАГАНБЕТ ЎҒЛИ**

**ЎЗАНДАГИ ЖАРАЁНЛАРНИ БАҲОЛАШДА ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

<b>Атакулов Динислам Ермаганбет ўғли</b> Ўзандаги жараёнларни баҳолашда ГАТ технологиялар.....	3
<b>Атакулов Динислам Ермаганбет ўғли</b> ГИС технологии при оценки русловых процессов .....	23
<b>Atakulov Dinislam Ermaganbet ugli</b> GIS technologies for evaluation of channel processes.....	41
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	44

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАКУЛОВ ДИНИСЛАМ ЕРМАҒАНБЕТ ЎҒЛИ**

**ЎЗАНДАГИ ЖАРАЁНЛАРНИ БАҲОЛАШДА ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/T2155 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арифжанов Айбек Мухамеджанович  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Файзиев Хамитхон  
техника фанлари доктори, профессор

Жулнев Мухиддин Комилович  
техника фанлари фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «13» январь 2023 й. соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй.Тел. (+99871)-237-22-67, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (249 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.(+99871)-237-19-45. e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «26» декабрь кунин тарқатилди.  
(2022 йил «26» декабрь даги № 249 рақамли ресстр баённомаси).



Т.З. Сўдтанов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А. Гаширов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш аъзои, котиби, т.ф.д.,  
профессор

Д.Р.Базаров  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда иқлим ўзгариши, сув ресурсларига табиий ва антропоген омилларнинг таъсирлари натижасида сув объектларининг ҳолати ҳамда уларнинг сув ўтказиш қобилияти, сув манбаларидан самарали фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Дарё ўзанида бўлаётган жараёнлар, дарёдан сув олишда катта муаммолар пайдо қилмоқда. Бу муаммолар ечими инновацион технологиялардан фойдаланиб, сув манбаларидан самарали фойдаланишни ва сув хўжалиги объектларини мониторингини тезкор амалга оширишни тақозо этади. Бу масала оламшумул хусусиятга эга бўлиб, соҳанинг истиқболи учун катта аҳамият касб этади. Дунё олимлари ер ва сув миқдорини баҳолаш, ирригация тизимларида содир бўлаётган ўзгаришлар устидан кузатув-назорат ишларини олиб бориш, сув ресурсларидан тежамли фойдаланишни назорат қилиш, уларни тезкор ҳамда аниқ баҳолаш, бошқариш техника-технологияларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда МОЎ (масофадан объектларни ўрганиш) ва ГАТ (географик ахборот тизимлари) технологиялардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда<sup>1</sup>.

Дарё ўзанида юзага келадиган жараёнлар дарё оқизиклари миқдори, таркибий қисми ва ҳаракат режимларига боғлиқдир. Ўзанда сув ва оқизикларнинг ҳаракатига боғлиқ ҳолда эрозия ва аккумуляцион жараёнлар содир бўлади. Бу жараёнлар эса дарё ўзинининг узоқ муддатли ва қисқа муддатли шаклланишида катта аҳамиятга эгадир. Ушбу ўзандаги деформацион жараёнлар оқим динамикасига ва дарё структурасига катта таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ўзанларда содир бўлаётган жараёнларни тадқиқ этиш, баҳолаш ва улар асосида илмий асосланган чора тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга тадбирлардан бири ҳисобланади. Бугунги илмий тадқиқотлар ривожидан маълумки, юқорида баён этилган муаммоларни ҳал қилишда илғор инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Сунъий йўлдош маълумотларидан ҳамда ГАТ дан сув хўжалигида фойдаланиш масаласи дунё тажрибасида кенг қўлланиб келинмоқда, аммо Ўзбекистон шароитида бу соҳалар энди амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш»<sup>2</sup> вазифалари, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони, жумладан “сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини

<sup>1</sup> <https://www.itp.edu.pl/JWLD/files/2021-04-JWLD-01--Badawy.pdf>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони

таъминлаш; сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, йирик сув хўжалиги объектларини бошқаришни рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш, электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан дарёнинг тоғ олди қисмида ўзан морфометрик боғланишлари ўзгаришини оқим ва ўзан параметрларининг ўзаро таъсирини инобатга олиб ГАТ технологиялар асосида такомиллаштириш, дарёнинг тоғ олди қисми ўзанидаги жараёнларни баҳолашда сунъий йўлдош маълумотлари, ArcMap дастури ва масофдан объектларни ўрганиш (МОЎ) технологияларидан фойдаланиш услубларини ишлаб чиқиш соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида” ги ва 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш” ҳамда V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дарё ўзанидаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни назарий асослари ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар М.А.Великанов, А.В.Караушев, И.И.Леви, В.Г.Глушков, И.К.Россинский, Н.Н.Павловский, В.М.Лохтин, Н.И.Маккавеев, Г.И.Шамов, А.Н.Гостунский, Н.А.Ржаницын, Г.В.Железняков, Л.С.Лебявский, Н.Е.Кондратьев, И.В.Попов, К.В.Гришанин, С.Т.Алтунин, А.В.Чернов, Н.Б.Барышников, К.Ш.Латипов, Е.К.Рабкова, В.Ф.Талмаза, А.Крошкин, В.К.Дебольский, Д.В.Штренихт, А.М. Мухамедов, Х.А.Ирмухамедов, М.Р.Карапетян, Х.А.Исмагилов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, А.М.Арифжанов, Д.Р.Базаров, М.Р.Икрамова, А.М.Фатхуллоев, С.С.Эшев, Ф.А.Гаппаров, V.Leina, G.Leuci, N.Chen, T.Blench, S.Shum, P.Akkers ва бошқа қатор олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Объектларни масофадан ўрганиш, дарё ўзанида, сув ҳавзаларида юзага келадиган жараёнларни геоинформацион технологиялар асосида баҳолаш бўйича С.Conrad, А.Khamzina, О.Dubovyk, К.Lee, R.Olsen, S.Anderson, С.Tarantino, F.Lovergine, P.Nagler, А.М.Puetz, А.М.Арифжанов, Э.Сафаров, С.В.Мягков, А.С.Пўлатов, М.Р.Икрамова, Ш.Акмалов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотларга қарамасдан дарёнинг тоғ олди қисми ўзанидаги эрозия ва аккумуляцион жараёнларни баҳолаш ишларини рақамлаштириш, ўзанининг морфометрик параметрларини ҳисобини амалга оширишда геоахборот технологиялардан фойдаланиш масалалари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №7-сонли “Ирригация тизимлари, гидротехник иншоотлар ва сув омборларнинг гидравлик ва гидрологик жараёнларини илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2016-2020), №14-сонли “Ирригация тизимлари, гидротехник иншоотлар ва сув омборларида гидравлик ва гидрологик жараёнларни геоинформацион технологиялар асосида баҳолашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2021-2025), КХ-Атех-2018-69 - «Ўзанларда эрозия ва аккумуляцион жараёнларни баҳолаш технологиясини геоахборот тизимларидан (ГАТ) фойдаланиб ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Дарёларнинг тоғ олди қисмида ГАТ технологияларидан фойдаланиб эрозия ва аккумуляцион жараёнларни баҳолаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дарёнинг тоғ олди қисмида оқимнинг энергетик ҳолатини инобатга олиб ўзандаги жараёнларни баҳолашда ГАТ технологиялардан фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш;

табиий дала шароитида дарёларнинг тоғ олди қисми ўзанидаги гидравлик, геодезик ва гидрологик тадқиқотларини инобатга олиб ГАТ технологиялар асосида маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;

масофадан объектларни ўрганиш (МОЎ) технологиялари ва ArcMap дастуридан фойдаланиб, ўзандаги деформацион жараёнларни баҳолашни асослаш;

ГАТ технологияларидан фойдаланиб дарёнинг тоғ олди қисмида ўзан мустаҳкамлик шартлари асосида ўзанларнинг шаклланиши ва морфометрик параметрларини аниқлаш усулини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона вилоятидаги Сўх дарё ҳавзасидаги тоғолди дарёси– Сох сой ўзани олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Landsat, Sentinel Ер сунъий йўлдошлари

орқали олинган тасвир ва маълумотлари, ArcGis дастури, GPS маълумотларни олиш, тасвир таҳлил моделлари ҳамда дала тадқиқотлари олиб бориш ускунасининг техник воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ArcMap дастури ёрдамида NDWI классификациялаш усули, объектлардан GPS нуқталар олиш усули, табиий шароитда дарё ўзанида геодезик, гидравлик ва гидрологик тадқиқотлар олиб бориш усули, маълумотларни қайта ишлашда математик статистика таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

назарий ва амалий тадқиқотлар таҳлили бўйича дарёнинг тоғ олди қисмида ўзан морфометрик параметрларини ўзгаришини баҳолаш усули оқимнинг энергетик ҳолатини инобатга олиб ГАТ технологиялари асосида ишлаб чиқилган;

дарёнинг тоғ олди қисмида ўзандаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни гидравлик, геодезик ва гидрологик тадқиқотларни инобатга олиб, ГАТ технологиялари асосида маълумотлар базаси ва ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

дарёнинг тоғ олди қисми учун ўзандаги жараёнларни баҳолашда масофадан объектларни ўрганиш технологиялари ва ArcMap дастуридан фойдаланиш имкониятлари асосланган;

ўзан кесимининг мустақамлик шартлари асосида морфометрик параметрларни аниқлашда ГАТ технологияларидан фойдаланиш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дарёнинг тоғ олди қисмида ўзандаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни баҳолаш учун геоахборот тизимлари асосида маълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

ўзан морфометрик параметрларини ГАТ дастурлари асосида баҳолаш ва аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

ўзандаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни, ўзанининг морфометрик параметрларини масофадан туриб тезкор, онлайн, ортиқча ишчи кучи ва маблағ сарфисиз амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилган;

ГАТ технологиялари ва ArcMap дастури асосида ўзандаги жараёнларни ифодоловчи худуд харитаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларини мутаносиблиги, маълумотларни статистик таҳлили, боғланишларнинг корреляция даражаларини аниқлаш, дала тажрибаларида дарё ўзанида GPS нуқталар олиш, уларни координаталарини тасвир координаталари билан солиштириш, ГАТ да олинган маълумотларни дала тажрибалари билан солиштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзандаги эрозион ва аккумуляцион

жараёнларни МОЎ ҳамда ГАТ маълумотлари ва усулларини қўллаб аниқланганлиги, ГАТ дастурларидан фойдаланиб, маълумотлар базаси ва хариталар яратилганлиги, МОЎ соҳасига таҳлил усули ва алгоритмлари тузилганлиги, дарё ўзанининг техник ва эксплуатацион ҳолатини баҳолашда NDWI (Normalized Difference Water Index) турли индекслари асосида таҳлил усулини такомиллаштирилганлиги, Landsat 8, Sentinel 2 тасвирлари билан ГАТ да статистик таҳлил қилиш, тасвирлар таҳлил алгоритмларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яратилган маълумотлар базаси орқали ўзандаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни, ўзанининг морфометрик параметрларини масофадан туриб тезкор, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиб кам маблағ сарфлаб аниқланганлиги, ўзандаги жараёнларни баҳолашда оқимнинг энергетик ҳолатини инобатга олиб тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини яратилганлиги, дарёнинг тоғ олди қисмида ўзандаги жараёнлар жадаллигини баҳолашда онлайн маълумотлар базасини яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дарёларнинг тоғ олди қисмида ГАТ технологияларидан фойдаланиб эрозион ва аккумуляцион жараёнларни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

Сох сой ўзанидаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни инновацион технологиялардан ГАТ асосида баҳолаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Сирдарё Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Сўх-Оқтепа” ирригация тизими бошқармасига жорий этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 1 февралдаги НК64532136-сон маълумотномаси). Натижада Сўх-Оқтепа ирригация тизимида қарашли Сох сой ўзанида морфометрик параметрларнинг ўзгариши асосида ўзандаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни аниқлаш имконияти яратилган;

Сох сой ўзанидаги деформацион жараёнларни баҳолаш учун маълумотлар базаси ишлаб чиқилган ва Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Сирдарё Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Сўх-Оқтепа” ирригация тизими бошқармасига жорий этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 1 февралдаги НК64532136-сон маълумотномаси). Натижада дарё ўзани шаклланишини тезкор аниқлашнинг масофадан баҳолаш имконияти яратилган;

Чирчиқ дарёси ўзанидаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни инновацион технологиялардан ГАТ асосида баҳолаш усули “БВО Сирдарё” ташкилотига қарашли “Юқори Чирчиқ сув иншоотлари бошқармаси” га жорий этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 1 февралдаги НК64532136-сон маълумотномаси). Натижада Чирчиқ дарёси ўзани морфометрик параметрларини ва ўзандаги деформацион жараёнларни ГАТ асосида баҳолаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан 7 та Scopus, 1 та халқаро ва 4 та илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 7 та мақола Scopus базасидаги журнал ва конференция материалларида чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Дарёнинг тоғ олди қисмида ўзандаги жараёнлар тадқиқотлар таҳлили**” деб номланган биринчи бобида дарё ўзанида юзага келадиган жараёнлар ва уларга таъсир этувчи омиллар, ўзан морфометрик параметрларини ва оқим гидродинамик элементларини аниқлаш усуллари ҳамда масофадан объектларни ўрганиш техника ва технологияларга доир тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Дарё ўзанидаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни баҳолашда назарий изланишлар ва ҳисоблаш усуллари таҳлилидан (М.В.Великанов, А.В.Караушев, Н.А.Ржаницын, К.Ш.Латипов, В.К.Дебольский, С.Х.Абальянц, М.Р.Карапетян ва бошқалар) маълум бўлдики, ўзанлардаги деформацион жараёнларни баҳолашда морфометрик параметрларни ифодаловчи оқим ва ўзан элементларини инobatга олиш лозим. Олиб борилган таҳлиллар асосида ҳам ўзан элементларини ва ҳам оқим гидравлик параметрларини инobatга олувчи боғланишлар асосида ўзандаги жараёнларни баҳолаш лозимлиги асосланган.


Сув объектлари тадқиқотларида масофадан объектларни ўрганиш МОЎ технологияларидан фойдаланишга доир тадқиқотларнинг назарий ва амалий таҳлили келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан, дарё морфометрик

боғланишларини тезкор ва аниқ баҳолашда қатор қулайликларга эга илғор инфор­мацион технологиялар сифатида ҳозирги кунда қўлланиш соҳаси бўйича кенг тарқалган географик ахборот тизими (ГАТ) дан фойдаланиш мумкин. Юқоридаги таҳлиллар асосида дарёнинг тоғ олди қисми ўзанидаги жараёнларни ўрганишда геоахборот технологиялардан фойдаланиш имкониятлари турли сунъий йўлдош тасвирлари асосида амалга ошириш мумкинлиги бўйича хулосалар келтирилган. Амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертация ишининг “**Табиий-дала шароитида дарёнинг тоғ олди қисмида ўзан шаклланишининг тадқиқоти**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектида олиб борилган изланишлар, тадқиқотларда фойдаланиладиган усуллар, тўпланган маълумотлар, таҳлил босқичлари ҳақида баён этилган ва таҳлил жараёни босқичлари тавсифлаб берилган. Унинг дастлабки қисмида тадқиқот объекти сифатида танланган Сох сой (1-расм) ўзандаги жараёнларни характерловчи маълумотлар ҳамда уларнинг аҳамияти баҳо­ланган. Бунга қўра таҳлиллар учун административ маълумотлар, дала тажриба маълумотлари, сунъий йўлдош маълумотлари танлаб олинган ва ўзаро таққосланиб таҳлил қилинган.

Натижаларни хариталаш, дастлабки ишлов бериш ва базасини яратишда ArcGIS дастуридан фойдаланилган. Таҳлилларда Landsat 8 ва Sentinel 2 каби сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланилган.



**1-расм. Сох сой ўзани**

Табиий-дала шароитидаги тадқиқотларда ўзанда юзага келган жараёнларни баҳолаш учун ўзан узунлиги бўйича бир нечта створлар танлаб


олиниб ҳар бир створда оқимнинг гидравлик элементлари, ўзанининг морфометрик параметрлари геодезик асбоблар ва GPS орқали аниқлаб олинган. Йиллар давомида танланган створларлар бўйича оқим гидравлик элементларининг ўзгариш динамикаси, ўзандаги аккумуляцион ва эрозион жараёнлар таҳлил этиб борилган. Геодезик, гидравлик ўлчаш натижаларида характерли створларда оқимнинг гидродинамик параметрлари ва ўзанининг морфометрик параметрлари аниқланган.

Ўзандаги жараёнларни асосий омили, оқим таркибидаги ва туб оқизиклар миқдори ҳамда таркибини аниқлаш учун 2017-2020-йилларда мавсум давомида махсус батометр билан намуналар олиниб лаборатория шароитида таҳлил этилган.

Табиий-дала тадқиқотлари натижасининг таҳлили асосида ўзандаги оқизиклар тақсимоти оқимнинг гидравлик параметрларига боғлиқ равишда ўзгариши баён этилган.

Йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили натижасига кўра, Сох сой ўзани сув сарфига мос равишда оқизиклар миқдори ҳам ўзгариши аниқланган. Мавсумнинг июн, июл ойларида ва август ойининг биринчи ярмида муаллақ оқизикларининг максимал сарфи кузатилган.

Август ойининг иккинчи ярми ҳамда сентябр ойининг бошида муаллақ оқизикларнинг сарфи сув сарфига мос равишда камайиб бориши кузатилган. Сох сой ўзанидан сув олувчи гидротехник иншоотларнинг лойқа босиш хавфи мавсумнинг максимал сув сарфига тўғри келиши аниқланган. Олиб борилган тадқиқотларда дарё ўзанида юзага келаётган ўзгаришлар ҳам таҳлил этилган. Сув сарфига боғлиқ равишда оқимнинг лойқалиги ва ўзан деформациялари таҳлил этиб борилган ҳамда оқимнинг морфометрик параметрлари ҳар бир створда ўлчаб борилган.



**2-расм. Нисбий лойқаликнинг оқим узунлиги бўйича тақсимоти гистограммаси**

Табиий-дала тадқиқотлари асосида оқим узунлиги бўйича нисбий лойқалик тақсимоти гистограммаси ишлаб чиқилди (2-расм). Гистограммада


Сох сой ўзанида юзага келаётган эрозион ва аккумуляцион жараёнлар ўз аксини топган.

Табиий-дала тадқиқотларда туб ва муаллақ оқизиклар бўйича наъмуналар олинди. Тўпланган маълумотлар лаборатория шароитида таҳлил этилди. Туб ва муаллақ оқизикларнинг фракцион таркиби аниқланди. Олинган маълумотлар таҳлилидан маълум бўлдики туб оқизиклар таркиби 0,2 мм дан 200мм гача, муаллақ оқизиклар таркиби 0,2 мм-0,001 мм гача ўзгариб бориши кўзатишган.

Табиий-дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан кўринадики (2-расм) қаралаётган створларда ҳам эрозион ва ҳам аккумуляцион ҳолатлари юзага келиши бўйича ҳулосалар қилинган. Оқим ювилиш жараёнида лойқа билан тўйиниб боради, келгуси створда оқимнинг бундай юк билан ҳаракатланиши секинлашади ва оқим кенгайиб боради ва янги ўзан шакллантиради. Бу жараён ўзанда узлуксиз йил давомида такрорланиши мумкин. Оқимнинг ташувчанлик қобилияти билан оқизиклар сарфи ўртасида сезиларли фарқ юзага келмаган ҳолатларда ўзан нисбатан мустаҳкам шаклга эга бўлиши кузатишган. Оқимнинг гидравлик ва ўзанининг геодезик параметрларининг таҳлили асосида ўзан параметрларини ифодоловчи боғланишлар таҳлил этилган. Тоғ олди дарё ўзанининг морфометрик параметрларини аниқлашда оқимнинг энергетик ҳолатини инобатга олиш лозимлиги асосланган.

Диссертациянинг **“Ўзандаги жараёнларни геоахборот тизимлари (ГАТ) асосида баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида ўзандаги жараёнларни баҳолашда геоахборот тизимлардан (ГАТ) фойдаланиш бўйича гидравлик модел ишлаб чиқилган ва маълумотлар базаси яратилган.

Тадқиқот объектининг маълумотлар базасини ишлаб чиқиш кўп йиллик маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилди. Сўнги 25 йил оралиғида Сох сойи ўзани ўзгариш динамикаси ўрганилди. Бунинг учун дастлаб 1995-2020 йиллар учун сунъий йўлдош маълумотлари GloVis расмий сайтидан юклаб олинди. Бунда 1995-2000 йиллар оралиғи учун Landsat 5, 2000-2013 йиллар оралиғи учун Landsat 7, 2013-2020 йиллар оралиғи учун Sentinel 2 сунъий йўлдошидан фойдаланилди. Юклаб олинган маълумотлар ArcGIS дастурига киритилиб таҳлил этилди. Олинган маълумотлардан Сох сой ўзанидаги жараёнларни баҳолаш мақсадида сой узунлиги бўйлаб танлаб олинган створларда ўзан морфометрик параметрлари аниқланди. Ҳар бир створда йиллар мобайнида ўзан кенглиги ва юза майдони шаклланиши кузатишди. Сох сойида сўнги 25 йиллик маълумотлар натижасига кўра, ўзан ўзининг шаклини ҳар бир створ бўйича ўзгариши кузатишган (3-расм). Мазкур таҳлил алгоритмлари бўйича дала тажрибаларида тўпланган маълумотлар ГАТ бўйича олинган маълумотлар билан солиштирилиб, олинган натижаларнинг ишончилиги баҳоланган. Таҳлиллар бўйича корреляция коэффициенти 0,94 ни ташкил этган.



**1995 йил**



**2000 йил**



**2015 йил**



**2020 йил**

**3-расм. Тадқиқот объектида ўзандаги жараёнлар йиллар кесимида**

Дарё ўзанидаги кўзатилаётган морфометрик ўзгаришларни ўрганиб, таҳлил қилиш учун ArcGIS дастурининг ArcMap иловаси орқали юклаб олинган маълумотлар устида бир нечта амаллар бажарилиб, керакли маълумотлар ўлчаб олинди ҳамда хариталар қуйидаги тартибда ишлаб чиқилган:

а) юклаб олинган ҳар бир кунги трапециясимон тасвирдан сувнинг нормаллаштирилган фарқ индекси (NDWI) орқали сувли майдон ажратиб олинди. Бунда қуйидаги ҳисоблаш формуласидан фойдаланилди:

$$NDWI = \frac{NIR - SWIR}{NIR + SWIR}; \quad (1)$$

бу ерда: *NIR* – яқин инфрақизил қатлами (Near Infrared);

*SWIR* – қисқа инфрақизил қатлами (Short-wave Infrared).


б) сувли майдон алоҳида ажратиб олингандан сўнг, ҳар бир ўрганилаётган кунги маълумотлар устида бир нечта амалларни бажаришни осонлаштириш ҳамда тезлаштириш мақсадида умумий юклар олинган майдондан тадқиқот объекти (Сох сой ҳавзаси) алоҳида кесиб олинди.

с) дарё узунлиги бўйича, танлаб олинган ҳар бир створдаги сув сатҳи эни, сув сарфи ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ўлчаб олинади. Ўлчанган ва ҳисобланган қийматлар асосида Сох сой учун 4 йиллик маълумотлар базаси яратилган.

Кузатишлар натижасида сўнги беш йил мобайнида ўзан ўнг қирғоқ бўйлаб ювилганлигини кўриш мумкин. Соининг бошланғич қисмида оқим асосан ўнг қирғоқ бўйича, охири қисмида аксинча, чап қирғоқ бўйича ҳаракатланаётганини кўриш мумкин. Сох сой ўзанида содир бўладиган деформация жараёнларни баҳолашда ўзанининг морфометрик параметрлари аниқланди. Ўлчов ишлари натижасида олинган маълумотлар математик статистика усулларида фойдаланиб таҳлил қилинди (корреляция коэффиценти - 0.82). Натижада сув юза майдони ( $\Omega$ ) ва сув сарфи боғлиқлигини ифодаловчи қуйидаги тенглама олинди (4-расм).


$$\Omega = 39,1Q^{0,4} \quad (2)$$

Ўлчанган кунлик ўртача сув сарфи ва ArcGIS дастурида аниқланган ўзан юзаси майдони боғлиқлиги графиги ишлаб чиқилган (4-расм). Сунъий йўлдош ва дала тадқиқотларда тўпланган маълумотлар асосида Сох сой маълумотлар базаси яратилди.



4-расм. Сув юза майдонининг  $\Omega=f(Q)$  сув сарфига боғлиқлик графиги


Яратилган хариталар асосида, ювилиш хавфи мавжуд бўлган ҳудудлар аниқланган ва йиллар давомида дарё ўзанидаги жараёнлар туфайли оқим ўз йўналишини ўзгартираётгани акс эттирилган (5-расм).



**5-расм. Ўзан шаклининг харитаси**

Олинган маълумотлар ва ишлаб чиқилган хариталар таҳлили асосида ўзанининг узунлиги бўйлаб морфометрик параметрларнинг ўзгаришини баҳолаш мумкинлиги асосланган. Жумладан Соҳ сойнинг алоҳида қисмида (ПК52-ПК55) асосий оқим ўнг қирғоқ бўйлаб ҳаракатланмоқда ва ўнг қирғоқ бўйлаб эрозион жараёнлар юзага келмоқда. Тасвирлардан олинган маълумот ва геодезик ўлчовлар асосида худди шундай жараённи дарё ўзанининг узунлиги бўйлаб кузатиб таҳлил этиш мумкинлиги баён этилган.

Яратилган маълумотлар базаси ва тўпланган маълумотларни статистик таҳлили асосида нисбий сув сатҳи энини нисбий сув сарфига боғлиқлиги  $\frac{B}{B_{max}} = f\left(\frac{Q}{Q_{max}}\right)$  графиги ишлаб чиқилган (6-расм).



**6-расм. Ўзан нисбий кенглигининг нисбий сув сарфига боғлиқлик графиги**

Тадқиқотлардан маълум бўлдики айни дамда оқим ва ўзаннинг ўзаро таъсири доирасида оқимнинг энергетик ҳолатини ўзгариши билан ўзаннинг морфометрик параметрлари ҳам ўзгариб боради. Иккинчи томондан сув сарфи ортгани сайин сув сатҳини эни камайиш жараёнини кузатишимиз мумкин. Бундан шундай натижа олинадики, сув сарфи ва сув сатҳи энини бир-бирига боғлиқлиги асосида ўзан морфометрик параметрлари аниқланган.

Сув сатҳи энини сув сарфига боғлиқлиги асосида ўзандаги жараёнларни ГАТ технологияси орқали баҳолаш мумкинлиги асосланган. Яъни сув сатҳини аниқлаб морфометрик боғланишлар асосида оқим ва ўзаннинг элементлари сўнгра деформацион жараёнларни аниқлаш мумкинлиги баён этилган.

Юқорида баён этилгандек ўзан морфометрик параметрларини ҳисобини амалга оширишда бу йўналишдаги қатор олимларнинг (М.В.Великанов, А.В.Караушев, К.Ш.Латипов, Е.К.Рабкова, А.М.Мухамедов) ишларини ривожлантириб қуйидагича ёзилган:

$$\frac{Bi}{ad} = A_B \left[ \frac{Qi^{\frac{5}{2}}}{(ad)^2 \sqrt{agdi}} \right]^{\alpha} \quad (3)$$

$$\frac{Hi}{ad} = A_H \left[ \frac{Qi^{\frac{5}{2}}}{(ad)^2 \sqrt{agdi}} \right]^{\beta} \quad (4)$$

бу ерда:  $B$  – ўзан ўртача кенглиги,  $H$  – ўртача чуқурлик,  $A_B, A_H$ ;  $\alpha, \beta$  – тажрибада аниқланадиган коэффицентлар,  $d$  – оқизиклар ўртача диаметри,  $i$  – ўзан туби нишаблиги,  $Q$  – сув сарфи,  $a = \frac{\rho_0}{\rho} - 1$ ,  $\rho_0$  – оқизиклар ўртача зичлиги,  $\rho$  – сувнинг зичлиги.

ArcMap дастури ҳамда ўлчаб олинган маълумотлардан фойдаланиб, (3) ва (4) тенгламадаги  $A_B$ ,  $A_H$ ,  $\alpha$ ,  $\beta$  морфометрик боғланишларни ифодоловчи коэффициентлар аниқланган. Келтирилган (3) ва (4) ифодалар маълум математик ўзгаришлардан сўнг қўйидаги кўринишга келтирилган:


$$B = A_B K [M]^\alpha; \quad (5)$$

$$H = A_H K [M]^\beta; \quad (6)$$

бу ерда: 
$$K = \frac{ad}{i}; \quad M = \frac{Qi^{\frac{5}{2}}}{(ad)^2 \sqrt{agdi}}; \quad (7)$$

назарий ва табиий-дала тадқиқотлари асосида олиб борилган ҳамда ArcMap дастури орқали ўлчаб олинган маълумотлардан фойдаланиб морфометрик боғланишларни (5), (6) ифодоловчи коэффициентлар оқимнинг энергетик ҳолатига боғлиқ равишда аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида аниқланган боғланишлар бу йўналишда олиб борилган бошқа тадқиқотлар билан қиёсий баҳоланган. Ўзан морфометрик боғланишларни аниқлаш борасида (4) тенгламада ноаниқ бўлган дойимийлик коэффициенти ва даража курсаткичлари маълум бир шароитлар учун ҳам ўзгарувчан эканлигини кузатиш мумкин. ГАТ орқали аниқланган натижалардан кўринадики бу ўзгаришлар оқим энергетик ҳолатига боғлиқдир. Олинган натижалар таҳлили асосида дойимийлик коэффициенти ва даража кўрсаткичининг Фруд сонига боғлиқлиги графиги ишлаб чиқилди (7-расм).



**7-расм. Морфометрик боғлиқлик коэффициентларини аниқлаш графиги**

Аниқланган катталикларни ишончилигини текшириш учун Сох сой ўзанида танлаб олинган ҳар бир створдаги оқим сатҳи эни, ўртача чуқурлиги ўлчанди ва сунъий йўлдош маълумотлари билан таққосланди. Бунда максимал фарқ 5-6 % миқдорда эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Тадқиқот натижаларини амалиётда фойдаланиш бўйича тавсиялар” деб номланган тўртинчи бобда ўзандаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни ГАТ технологияси асосида баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган. Дарё ўзанининг морфометрик параметрларини ГАТ асосида баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Олиб борилган изланишлар асосида ишлаб чиқилган маълумотлар базаси орқали оқим ва ўзанининг морфометрик параметрларини, ўзандаги деформацион жараёнларни аниқлаш усули такомиллаштирилди.

Дарё ўзанида содир бўлаётган эрозион ва аккумуляцион жараёнларни ГАТ асосида масофадан туриб мониторинг ва таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган услуб асосланган. Бунда дарё ўзанидаги жараёнларни ГАТ асосида баҳолаш бўйича блок-схема ишлаб чиқилган (8-расм).



8-расм. Ўзандаги жараёнларни ГАТ асосида баҳолаш бўйича блок-схема


Сох сой маълумотлар базасидан фойдаланиш кетма кетлиги қуйидаги тартибда бажарилади:

1) ҳисоблаш дастурига қуйидаги бошланғич маълумотлар киритилади: кунлик ўртача сув сарфи, сув юза майдони, ўртача эни, ҳақиқий эни. Бу ерда ўзан ҳақиқий эни сунъий йўлдош маълумотлари орқали ҳар бир створ бўйича аниқланади.

2) оқим гидравлик элементлари жумладан, ўртача чуқурлик, оқим кўндаланг кесим юзаси, оқим ўртача тезлиги кенг қўлланиладиган формулалар ёрдамида ҳисобланади.

3) сув сарфига, сув юза майдони ва ўртача энини боғлиқлик графиклари ҳосил қилинади ва қаралаётган ўзан қисми учун тўлиқ маълумотга эга бўлади (9-расм).

Берилган, ҳисобланган қийматлар дастури ва ишлаб чиқилган маълумотлар базаси асосида ўзандаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни масофавий баҳолаш имкони яратилди. Бунинг натижасида ўзанда ювилиш ёки лойқа босиш ҳолатлари ва миқдори тезкор аниқланади ҳамда қаралаётган объект бўйича самарали чора тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти тавсия этилади.



9 – расм. Маълумотлар базаси интерфейси

График ёрдамида ўзанинг ҳар бир пикетида содир бўлаётган жараёнга баҳо берилади:

- сув сарфи ортиши билан сув юза майдони ва ўзан ўртача эни мос равишда ортиб борса, ўзанда деформация содир бўлиш жараёни кузатилмайди;

- сув сарфи ўзгармасдан ўзан ўртача эни ортиб борса, оқим таркибидаги туб ва муаллақ оқизиклар ўзан бўйлаб чўкиб боради, яъни ўзанда аккумуляцион жараёнлар содир бўлади;

- сув сарфи ортиб бориши билан ўзан ўртача кенглиги ўзгармасдан қолса, ўзанда чуқурлик бўйича ювилиш содир бўлади, яъни ўзанда эрозион жараёнлар юзага келади;

- сув сарфи билан сувли майдон юзаси ўзгариши боғлиқлиги орқали ойлар ва йил давомида ўзанда кузатилаётган ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш асосида тезкор чоралар кўриш имкони яратилади.

Сох сой бўйича ишлаб чиқилган маълумотлар базасидан фойдаланиб ўзан узунлиги, ҳар бир кесимдаги деформацияланишни масофадан туриб, кам вақт, кам ишчи кучи сарфлаб баҳолаш мумкин бўлади ва бу усул билан ресурс тежамкорликга эришилади.

## ХУЛОСАЛАР

**“Ўзандаги жараёнларни баҳолашда ГАТ технологиялар”** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Дарё ўзанидаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни баҳолашга доир назарий ва табиий-дала шароитидаги тадқиқотлар таҳлилидан, ўзанлардаги деформацион жараёнларни баҳолашда, қаттиқ оқим сарфини аниқлаш билан бир қаторда оқизикларнинг таркибий қисми ва оқимнинг энергетик ҳолатини ҳам инobatга олиш лозимлиги асосланган.

2. Табиий-дала шароитида ўтказилган тадқиқотларда тўпланган маълумотларнинг математик статистик усуллари билан фойдаланиш таҳлили ва ГАТ технологиялардан фойдаланиб, тадқиқот объектининг харитаси тузилган ҳамда харита асосида ҳар бир пикет бўйича нисбий ўртача кенглигининг нисбий сув сарфига боғлиқлиги  $\frac{B}{B_{max}} = f\left(\frac{Q}{Q_{max}}\right)$  графиги ишлаб чиқилган. Эрозион ва аккумуляцион жараёнлар таъсирида ўзан ўртача кенглигининг ўзгариши асосида ўзаннынг морфометрик параметрларини аниқлаш усули такомиллаштирилган.

3. Назарий ва дала тадқиқотлари маълумотлари асосида очиқ ўзанларда сув сарфини миқдори маълум бир даражагача ортиши билан ўзан ўртача кенлиги ҳам ортиб боришини инobatга олиб ўзанларда эрозион ва аккумуляцион жараёнларни масофадан баҳолаш усули тавсия этилган.

4. ГАТ технологияларда МОЎ маълумотларини қўллаш, ўта юқори резолюцияли Sentinel 2 тасвирлардан фойдаланиш ва табиий дала шароитида олинган маълумотларга асосланиб, ўзаннынг шаклланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

5. Табиий дала шароитларда олиб борилган изланишларда тўпланган маълумотлар ва МОЎ асосида аниқланган кўп йиллик маълумотларни математик статистика усуллари таҳлили натижасида морфометрик боғланишларни аниқлаш усули такомиллаштирилган;

6. Гидравлик, гидрологик, геодезик тадқиқотларда тўпланган маълумотлар таҳлили ҳамда ўзандаги деформацион жараёнларни аниқлашда ГАТ технологиялардан фойдаланиш бўйича, олинган маълумотлар асосида тадқиқот объекти учун маълумотлар базаси ишлаб чиқилган ва интеллектуал мулк агентлигидан гувоҳнома (BGU 00405) олинган.

7. Олиб борилган изланишлар асосида ишлаб чиқилган маълумотлар базаси ва дарё ўзанидаги жараёнларни тезкор аниқлаш усули Сох-Оқтепа ирригация тизим бошқармасига тавсия этилган. Натижада тезкор морфометрик параметрларнинг ўзгариши асосида ўзандаги эрозион ва аккумуляцион жараёнларни аниқлаш бўйича иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03.30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МУХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**АТАКУЛОВ ДИНИСЛАМ ЕРМАГАНБЕТ УГЛИ**

**ГИС ТЕХНОЛОГИИ ПРИ ОЦЕНКЕ РУСЛОВЫХ ПРОЦЕССОВ**

**05.09.07 - Гидравлика и инженерная гидрология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/T2155.

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** Арифжанов Айбек Мухамеджанович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Файзиев Хамитхон  
доктор технических наук, профессор  
Жулиев Мухиддин Комиллович  
доктор философии по техническим наукам

**Ведущая организация:** Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Защита диссертации состоится «13» января 2023 г. 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39, тел. (+99871)-237-22-67, факс: 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (зарегистрировано 249). Адрес: 100000, г. Ташкент, Кары Ниязий, 39, тел.: (+99871) 23 7-19-45.

Автореферат диссертации разослан «26» декабря 2022 г.

(протокол реестра № 249 от 26 декабря 2022 г.)



**Г.З. Султанов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор.

**Ф.А. Гаппаров**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., доцент.

**Д.Р. Базаров**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в результате изменения климата, воздействия природных и антропогенных факторов на водные ресурсы особое значение придается состоянию водных объектов, а также пропускной способности, их эффективному использованию водных ресурсов. Процессы, происходящие в русле реки, создают большие проблемы при водозаборе из реки. Решение этих проблем требует эффективного использования водных ресурсов и оперативного мониторинга водохозяйственных объектов с использованием инновационных технологий. Этот вопрос носит глобальный характер и имеет большое значение для будущего отрасли. В этой связи особое внимание уделяется вопросам оценки качества земель и вод, проведения наблюдательно-контрольных работ за изменениями в ирригационных системах, контроля за экономным использованием водных ресурсов, их оперативной точной оценке, создания техники-технологии управления. А также при выполнении этих работ особое значение имеет использование технологий дистанционного изучения объектов (ДИО) и геоинформационных систем (ГИС)<sup>1</sup>.

Процессы, происходящие в русле реки, зависят от количества, состава и режимов движения речных наносов. В зависимости от движения воды и наносов в русле происходят процессы эрозии и аккумуляции. Эти процессы имеют большое значение в долговременном и кратковременном формировании русла реки. Деформационные процессы в этом русле оказывают большое влияние на динамику потока и структуру реки. С этой точки зрения одним из важнейших является исследование, оценка процессов, происходящих в руслах, и разработка на их основе научно обоснованных мероприятий. Из развития сегодняшних научных исследований известно, что широкое использование передовых инновационных технологий в решении описанных выше проблем является одной из актуальных задач.

Вопрос использования спутниковых данных, а также ГИС в водном хозяйстве широко используется в мировом опыте, но в условиях Узбекистана это реализуется только сейчас. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы намечены задачи, в том числе «Реализация отдельной государственной программы по коренному реформированию системы управления водными ресурсами и экономии воды»<sup>2</sup>, № УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 гг», в том числе «совершенствование системы прогнозирования водных ресурсов, ведение их учета и формирование базы данных, а также обеспечение прозрачности; модернизация и развитие объектов водного хозяйства, автоматизация управления крупными объектами водного хозяйства на основе цифровых технологий, широкое внедрение современных технологий, позволяющих экономить электроэнергию и другие

<sup>3</sup> <https://www.itp.edu.pl/JWLD/files/2021-04-JWLD-01--Badawy.pdf>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

ресурсы. При реализации этих задач, в том числе совершенствование морфометрических зависимостей русла в предгорьях реки с учетом взаимодействия параметров потока и русла, на основе ГИС технологий, разработка методов использования спутниковых данных, программного обеспечения ArcMap и технологии дистанционного изучения объектов при оценке процессов в русле предгорий рек имеет важное значение при проведении научно-исследовательских работ в этой области.

